

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**448** Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Монополист корхоналар томонидан декларация қилинадиган нархларни қўллаш тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1359-1*

*(2010 йил 10 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 42-43-сон, 560-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 30 мартдаги 54-сонли «Монополист корхоналар томонидан декларация қилинадиган нархларни қўллаш тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2004 йил 20 май, рўйхат рақами 1359) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 20-сон, 241-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 18 ноябрь,  
98-сон

**448-449-моддалар**

**— 48 —**

**48 (444)-сон**

**Келишилган:**

*Монополиядан чиқариш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Ж. ИСМАИЛОВ**

*2010 йил 18 ноябрь*